

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИ.

G. Xudaynazarova
Sport va xarakatli o‘yinlar kafedrasи vb dotsent.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасида мактабгача таълим ёшидаги болалар, мактаб ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрти ўқувчилари соғлигини сақлаш, мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний жиҳатдан саломатликка эҳтиёжини қарор топтириш вазифасининг белгиланиши мазкур муаммога кластерли ёндашув асосида барча турдаги таълим муассасалари – мактабгача таълим ташкилотларидан тортиб умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртларининг барча бўғинлари учун жисмоний тарбия таълимининг юксалишига янги уфқлар очди. Жисмоний тарбия таълимига кластерли ёндашув мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий, маданий таракқиётида муҳим ўрин тутиши жаҳон миқёсидаги спорт мусобақаларида ўз тасдигини топмоқда. Қолаверса, ёшлар соғлиги рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси сифатида давлат аҳамиятига эга масаладир.

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган жисмоний тарбия ва спортнинг назарий-педагогик асослари жамиятда соғлом турмуш иарзини шакллантириш, аҳолининг барча қатламлари соғлигини мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан соғлом, маънавий етук авлодни тарбиялаш мақсадига қаратилгандир. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири)”нинг “Таълим муассасаларидағи жисмоний тарбия” номли 10-моддасида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув дастурлари юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши қайд этилган¹¹. Шу асосда қабул қилинган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурининг 3-бандида жисмоний тарбиядан ўқув дастурлари бўйича дарс соатларини 4–6 соатга етказиш, ўқув жараёнига олимпия таълимини, миллий ўйинлар ҳамда турли беллашувларни жорий қилиш кўрсатиб ўтилган.

- Мазкур дастур концепциясидан келиб чиқсан ҳолда айрим олимлар умумий ўрта таълим мактабларидағи жисмоний тарбия дарслари олди га куйидаги талабларни қўяди:

¹¹ Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/2742233?ONDATE=04.12.2020%2000>

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

“1) жисмоний тарбия мазмунининг ҳар бир мактаб ўқувчиси ёши бўйича ривожланиши хусусиятларига, индивидуал морфофункцияйий ҳолати, жисмоний тарбия-спорт майллари ва қизиқишлирага мувофиқ бўлиши;

2) жисмоний ва спорт тарбиясининг энг янги технологияларидан фойдаланиши;

3) мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спортнинг эстетик, ахлоқий, маънавий ва соғлиқни сақловчи имкониятлари билан таништириш, уларда жисмоний тарбия фанига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириши;

4) диагностик ва тренажёри комплекслар ва уларда шуғулланаётганларнинг ҳолатини тезкор назорат қилувчи воситалар билан жиҳозланган ўқув-спорт иншоотларининг принципиал жиҳатдан янги лойиҳаларини яратиш;

Кўринадики, тадқиқотчи жисмоний тарбия дарсларига ғоятда умумий йўсинга ёндашади. Ҳолбуки, жисмоний тарбия дарслари олдига қўйиладиган талаблар таълимнинг мақсад ва вазифалари, методлари, шакли ва воситаларининг ўзаро уйғунлиги мажмуудан ташкил топади.

Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини педагогик таълим кластери асосида ташкил этишда қўйидаги дидактик талабларга амал қилиш ижобий самара бериши тажриба-синов ишлари давомида ўз тасдиғини топди.

1. Ўқувчилар шахс камолотида нафақат ақлий ва ахлоқий тарбия, балки жисмоний тарбия ҳам муҳим ўрин тутиши тўғрисида ёрқин тасаввур уйғотиши.

2. Синфлар кесимида ўқувчиларнинг тезкорлик, эгилувчанлик, куч ва чидамлилик, чаққонлик, ҳаракатчанлик, сабр-тоқат, сабот-матонат сифатларини камол топтириши.

Шу ўринда нима учун ўқувчиларда жисмоний сифатларни қарор топтиришда нега айнан педагогик таълим инновацион кластерига ёндашиш ижобий самара беради деган саволга жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш кластер ёндашувига боғлик деб жавоб бериш мумкин. Тадқиқот муаммосига доир изланишлар жисмоний таълим машғулотларида кластер ёндашуви дидактик, верификация, когнитив, диагностик каби детерминантларини амалга ошириш орқали жисмоний чидамлилик сифатларини ривожлантиришга ижобий таъсир қилишини тасдиқлади.

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини шакллантириш мотивларини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари

Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг жисмоний кўникма-малакаларини шакллантириш усуллари тузилмаси

Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг креатив қобилиятини шакллантириш воситалари

Дарсларда тренажёрлар, турли спорт анжомлари, ностандарт жиҳозлардан регламенти қатъий белгиланган машқлардан фойдаланиш ўқувчиларда илмийлик, тизимлилик, индивидуал-табақалашган ёндашув тамойиллари асосида ҳаракатланишнинг траекторияси, амплитудаси, тезлиги, динамик кучларнинг ўзаро боғлиқлиги юзасидан муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

“Замонавий ёндашувларга мувофиқ, – деб ёзади И.Қ.Шамсиева, – чет эл мутахассислари ўқувчи ўшларда жисмоний маданият ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятига нисбатан қизиқиши юзага чиқариш, жисмоний машқлар бўйича машғулотларни мунтазам ўtkазиш кўникмаларини ҳосил қилиш, шахснинг эмоционал, интеллектуал, ахлоқий ва эстетик ривожланишига ёрдам бериш, ижодий қобилияtlарини шакллантиришни мактаб ва бошқа ўқув юртларидағи жисмоний тарбия ва спорт ишларининг асосий белгиларини мужассам этади”.

Олиманинг фикрича, жисмоний тарбия дарслари ўзини муҳофаза қилиш функциясига эга, муҳит билан ўзаро муносабатда ҳаракатда бўлади, ўзини ўзи ўстиришга интилади, йиғноқлиги ва тартиблилиги, бир бутунлиги билан тавсифланади¹².

Жисмоний тарбия дарсларининг педагогик хусусиятларига доир мазкур фикр-мулоҳазалар бизнинг ушбу тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борган изланишларимизда ҳам ўз тасдифини топди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия дарслари мамлакатимизнинг жисмоний тарбия тизими олдига қўйилган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашда, илмийлик, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик, тушунарлилик, таълимий йўналганлик тамойиллари ҳамда кўргазмалилик, амалий ва репродуктив методларга амал қилиш муҳим ўрин тутади.

¹² Ўша жойда.

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

Жисмоний тарбия таълимига технологик ёндашув асосида илғор замонавий технологияларни жорий қилиш муаммоси сўнгти йилларда А.Шопўлатов, Ш.М.Худойбердиев, А.М.Гилжова, А.М.Мирзаев, Х.Н.Ҳакимов каби кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида турли жиҳатдан ўрганилиши илмий муаммонинг нафақат фан сифатида ўрганилиши, балки ёшлар тарбиясида ҳам инсон саломатлиги тарғиботининг долзарблигидан дарак беради.

Ҳозирги глабаллашув шароитда ижтимоий жамият ва илмий-техника тараққиёти ўлароқ ёшларнинг жисмоний ҳаракати кескин камайиб кетгани сир эмас. “Агарда олдин шифокор болалар соғлиги ўқув жараёнининг қониқарсиз ташкил қилиниши (спорт залларининг етарлича ёритилмаганлиги, яхши шамоллатилмаганлиги, ўқув машғулотарининг ортиқчалиги) сабабли ёмонлашувини қайд қилган бўлса, замонавий мактабда соғликقا таъсир қилувчи бошқа хавф-хатар омиллари (компьютерлаштириш, ўқишни интенсификациялаш, ҳаракатлантирувчи фаолликнинг пасайиши ҳам кўрсатиш мумкин”.

Мактаб ўқувчиларининг таянч-ҳаракат аппарати, кўриш қобилияти, овқат ҳазм қилиш, нафас йўлларида нуқсонларнинг мавжудлиги жисмоний тарбия таълимига кластерли ёндашувни татбиқ қилиш ижобий самара бериши тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлар жараёнида мазкур муаммога когнитив, эмоционал-иродавий, мотивацион, амалий-фаолиятли ёндашув асосида ўз тасдигини топди. Бу эса жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тарбия таълим мининг амалий характерда бўлиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, дарсларни педагогик лойиҳалашда диққат марказида тутилади.

Таълим жараёнида лойиҳалаш у ёки бу таълими муюммо ечимиға доир фаолият тури бўлиб, мазкур муаммонинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш ҳамда истиқболини белгилашга йўналтирилиши билан характерланади. Айни муаммога тадқиқотчи И.К. Шамсиева бошқачароқ ёндашади.

“Мактаб таълимида лойиҳалаш методи, – деб ёзади олима – синф-дарс тизимиға оид бўлиб, анъанавий тизимга алтернатив сифатида баҳоланади. Лойиҳалаш методи аниқ билимларнинг интеграциясига эмас, балки уларни кўллаш ва янги билимларни эгаллашга қаратилган технологиядир.

Foydalangan adabiyotlar

1. Madina, Ahmadjonova, Usmonova Zebo, and Xudoynazarova Gullola. "Harakatli o‘yin orqali boshlang ‘ich sinf o‘quvchilarida harakat sifatlarni takomillashtirish." Ta’limning zamonaviy transformatsiyasi 1.2 (2023): 618-622.
2. Mirxojidinovna, Xudaynazarova Gullola. "JISMONIY TARBIYA DARSLARINI PEDAGOGIK TA'LIM INNOVATSION KLASTERI ASOSIDA

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

O‘QITISH METODIKASI (Umumiy o‘rta ta’lim maktablari misolida)." Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences. Vol. 2. No. 11. 2023.

3. Ravshan ogli, Tolibjonov Sardorbek. "HARAKATLI O ‘YIN ORQALI BOSHLANG ‘ICH SINF O ‘QUVCHILARIDA HARAKAT SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH." Journal of new century innovations 38.2 (2023): 138-141.

4. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "HARAKATLI O’YINLAR HAMDA ULARNI TASHKIL QILISH." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 24-27.

5. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "BASKETBOL O’YINI TARIXI HAMDA O’YIN TAKTIKASI." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 28-32.

6. Mirxojidinovna, Xudoynazarova Gullola, Axmadjonov Abduraxmon, and Tolibjonov Sardorbek Ravshan ogli. "PHYSICAL EDUCATION CLASSES AND THEIR TEACHING PRINSPI." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.5 (2023): 604-607.

7. Ravshan o'g'li, Tolibjonov Sardorbek, and Xudoynazarova Gullola Mirxojidinovna. "O’RTA MASOFAGA YUGURUVCHILARNING TEXNIK TAKTIK TAYYORGARLIGINI NAZORAT QILISH." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 23.5 (2023): 33-36.

8. Mirxojidinovna, Xudoynazarova Gullola, Axmadjonov Abduraxmon, and Tolibjonov Sardorbek Ravshan ogli. "PHYSICAL EDUCATION CLASSES AND THEIR TEACHING PRINSPI." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.5 (2023): 604-607.

9. Худойназарова, Г. М. "ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ ФИЗКУЛЬТУРЫ (НА ПРИМЕРЕ ШКОЛЫ)." Экономика и социум 4-2 (107) (2023): 783-786.

10. Mirxojitdinovna, Xudoynazarova Gullola. "WAYS TO DEVELOP DIGITAL MARKETING IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN UZBEKISTAN." ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.12 (2022): 113-116.

11. Mirxojitdinovna, Xudoynazarova Gullola. "METHODOLOGY FOR THE USE OF INFORMATION COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE DISCIPLINE OF PHYSICAL EDUCATION." INTERNATIONAL JOURNAL OF

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630
Impact factor: 7.429 11.09 (2022): 189-191.